

**Х.Э. Нормуродов,**  
ассистент, ТДИУ

## **МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ**

*В статье описано опыт зарубежных стран использования его как инструмента и возможности внедрение его в Узбекистане в развитии производственной инфраструктуры, особенно, программный подход, его финансирование и управление, в предотвращении кризиса и повышении конкурентоспособности экономики.*

*The foreign experience of use as an instrument and possibilities of penetration of it in Uzbekistan in developing the production infrastructure, namely, in programmed approach to this process, its financing and management, prevention of crisis and in improving the competitiveness of the economy is given.*

**Калим сўзлар:** ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, инфратузилма, барқарор, мутаносиб.

Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб равишда ривожланиши унинг таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатларнинг тўғри шаклланиши ҳамда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллашиб боришига боғлиқ. Жумладан, бугунги кунда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг турли тавсифдаги шарт-шароитларини қамраб олувчи инфратузилма тизимини изчил равишда тараққий эттиришни тақозо этади. Бу борада мамлакатимиз Биринчи Президенти ўз маърузаларида “2013 йил ва ундан кейинги йилларда дастурий вазифаларимизни амалга оширишда йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш устувор аҳамият касб этади. Бугун мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, иқтисодиётимизнинг сифат жиҳатидан янги, замонавий таркибий тузилмасини шакллантириш, ҳудудларимизни комплекс ривожлантириш бўйича барча режаларимизнинг муваффақиятли амалга оширилиши инфратузилма тармоқларини юксак суръатлар билан ривожлантиришга узвий боғлиқ экани ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман” [1], деб таъкидлашлари мазкур соҳанинг аҳамиятини намоён этади.

Маълумки ишлаб чиқариш ҳажми, турлари ва сифати жиҳатидан қанча тез ривожланиб борса, уни модернизациялаш кучайиб борган сари унинг инфратузилмаси ҳам унга мос равишда тараққий қилиб бориши объектив заруриятдир. Албатта бу қоида ҳамма даврлар ва мамлакатлар учун умумийдир. Лекин ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, манбалари ва хусусиятлари турли мамлакатларда турличадир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва унинг самарали амал қилишини таъминлаш ҳозирги инқирозларнинг таъсирини юмшатиш ва

унинг ҳар бир мамлакат, унинг миллий иқтисодиёти олдида турган долзарб масала ҳисобланиб, дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларида мазкур масаланинг тўғри ҳал этилиши тараққиёт омили бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга кўра, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги хориж тажрибасини ўрганиш муҳим илмий ва амалий-услубий аҳамият касб этади.

Мураккаб иқтисодий жараёнлар рўй бераётган шароитда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан максимал фойдаланган ҳолда иш юритиш лозим. Шу боисдан мамлакат иқтисодиётида инфратузилмани ривожлантиришда жаҳон амалиёти тажрибасидан ўтган илғор усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Инфратузилма соҳасида тубдан ўзгаришлар, самарали йўналишлар, янгича тизим асосида ислохотлар олиб бораётган ва асосийси шу ислохотлар орқали ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасини сезиларли даражада ривожлантиришга эришган мамлакатлар қаторига Австралия, Англия, АҚШ, Бразилия, Испания, Канада, Франция, Хитой, Ҳиндистон ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жумладан, Англияда ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳаси юқори даражада ривожланган бўлиб, бу борада мазкур соҳа тараққиётини таъминловчи ҳар йиллик миллий инфратузилма режасининг ишлаб чиқилиши ҳамда бажарилишини таъминлаш катта имкониятлар яратмоқда [2]. Тарихга назар солинса, Англия XIX асрда сув транспорти тизимида, шаҳар ва узоқ манзилларни боғловчи автомобиль ва темир йўллар тизими билан жаҳонда етакчи бўлиб ҳисобланган. Мамлакат иқтисодиёти дастлаб киритган инвестицияларидан ҳозирда ҳам яхши даромад олмоқда. 1950-1970 йиллар мобайнида автомагистраль, атом энергияси, шимолий денгиз нефть ва газ назоратининг давлатга ўтиши натижасида Англия инфратузилма соҳаси янада ривожланди.

Мамлакат 371603 км узунликдаги автомобиль йўллари ҳамда 16878 км узунликдаги темир йўллар тизимига эга. Ушбу йўллар барча стандартларга жавоб бериб, уларнинг  $\frac{1}{4}$  қисми электр энергияси билан таъминланган. Шимолий денгиздаги йирик нефть ва газ захиралари мавжудлиги мазкур энергия ресурсларини мамлакатдаги қайта ишлаш заводларига етказиш мақсадида жуда узун қувур транспортини шакллантиришга сабаб бўлган. Нефть хом ашёсини ўтказишга мўлжалланган 933 км, бошқа нефть маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган 2993 км, табиий газ ўтказиш учун мўлжалланган 12800 км узунликдаги қувурлар шулар жумласидандир. Шу билан биргаликда 3200 км узунликдаги канал тизими ва сув йўллари мавжуд. Мамлакат ҳудуди сув билан ўралганлиги сабабли товарлар ҳаракати денгиз ва ҳаво транспорти билан узвий боғлиқ. Шу боисдан мамлакатда жаҳондаги энг гавжум портлар қаторига кирувчи Лондон, Манчестр, Гласгов, Портсмоуз портлари фаолият кўрсатади. Мамлакатдаги барча портларда йилига 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташилади. 2000 йилнинг ўзида жами 173 та йирик кемалар денгиз йўли транспортини ташкил қилган, булардан 50 таси нефть, 39 таси суюқлик, 33 таси бошқа умумий юклар, 10 таси йўловчи ташишга мўлжалланган кемалар бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатда 498 та

аэропорт мавжуд бўлиб, 2015 йилгача Британия ҳаво йўллари орқали йилига 300 млн. нафар пассажирга хизмат кўрсатиш мақсади қўйилган.

Бироқ, ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасининг самарадорлигини таъминлаш унинг мунтазам равишда замонавий талаблар асосида такомиллаштириб ва ривожлантириб борилишини тақозо этади. Мамлакатдаги инфратузилма таркибига кирувчи автомобиль ва темир йўллар, алоқа тизимининг эскириб, таъмирталаб ҳолатга келиши жуда катта миқдордаги бюджет маблағларини талаб қила бошлади. Шунга кўра, юзага келган бюджет муаммолари туфайли айрим ишлаб чиқариш инфратузилма лойиҳалари бошқарувини хусусий секторга ўтказиб бериш жараёнлари кузатилди. Бу мақсадга эришишда икки хил, яъни Давлат-хусусий-ҳамкорлик ва Хусусий маблағлар ташаббуси дастурларидан фойдаланилди. Мазкур дастурлар орқали давлат фондлари асосида хусусий корпорациялар ташкил этилади ва улар инфратузилмани шакллантириш ёки ривожлантириш лойиҳалари билан шуғулланадилар. Ушбу корпорациялар лойиҳаларни амалга оширишда ҳар қандай таваккалчиликни ўз зиммаларига оладилар ва фойдани ҳам ўзларида сақлаб қолиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Англия ҳукумати 1980-1990 йилларда биринчилардан бўлиб мамлакатдаги телекоммуникация, сув, энергия ва темир йўл соҳаларини хусусийлаштирди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш инфратузилмасида давлатнинг улуши 29 фоиз, хусусий секторнинг улуши 65 фоиз, давлат ва хусусий секторнинг биргаликдаги (аралаш) улуши 6 фоизни ташкил этди [3].

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ишлаб чиқариш жараёнлари учун зарур шарт-шароитлар, қулайликларни яратиш орқали иқтисодий самарадорликнинг ошиши ҳамда рақобатбардошликнинг кучайишига имкон яратади. Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари таъсирида рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда етакчи мамлакатлар айнан ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш орқали унинг рақобатбардошлигини оширишга ҳаракат қиладилар. Бу борадаги эътиборсизлик ёки муҳим чоратадбирларни кейинги ўринларга суриш соҳа рақобатбардошлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, Жаҳон иқтисодий форуми маълумотларига кўра, 2005 йилда АҚШ инфратузилмаси иқтисодий рақобатбардошлиги жиҳатидан биринчи ўринда турган бўлса, 2010 йилга келиб 15-ўринга тушиб қолган. Халқаро экспертларнинг фикрига мувофиқ, бунинг бош сабабларидан бири сифатида АҚШ ҳукумати инфратузилма соҳасига етарлича инвестицияларни жалб этмаётганлиги кўрсатилмоқда. 2008 йилда рўй берган рецессияга қадар АҚШ ҳукумати транспорт инфратузилмасига киритадиган инвестициялари билан етакчи ўринлардан бирида турар эди. Глобал рецессиядан кейин жаҳон мамлакатлари ҳам транспорт инфратузилмасига диққат-эътиборни кучайтира бориб, мазкур соҳага ажратилаётган маблағ ва бошқа шу билан боғлиқ кўрсаткичлар юзасидан АҚШдан илгарилаб кетишди.

Кўплаб мамлакатлар транспорт инфратузилмаларини ривожлантириш ва модернизация қилиш жараёнларига инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган махсус дастурлар орқали ёндоша бошладилар. Жумладан, 2010 йилда Канада ўз ялпи ички маҳсулотининг 4% ни транспорт тизимига

инвестиция ҳамда бошқа сарф-харажатларни қоплаш мақсадида ажратган, Хитой эса мазкур соҳага ЯИМнинг 9% ни ажратган. Маълумот тариқасида айтиб ўтиш жоизки, АҚШда транспорт соҳасига ЯИМнинг 1,7% сарфланган [4].

Умуман олганда, жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида қуйидаги жадвал орқали тасаввур ҳосил қилиш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал. Қатор мамлакатларда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар**

Мамлакат	Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар
Австралия	Транспорт, энергия, алоқа, сув таъминоти ва бошқа соҳаларни ривожлантириш истиқболларини белгиловчи комиссия тузилган (2008). Ҳар йили Австралия инфратузилма дастури ишлаб чиқилади. Ҳукумат транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида сўнги 2 йил ичида 36,8 млрд. АҚШ долл. миқдорида инвестиция қилди. Хусусан, йўл соҳасига киритилиши керак бўлган инвестицияларни 2 баробарга оширди [5].
Канада	Инфратузилма соҳасини ривожлантиришда давлат кўмагига алоҳида эътибор қаратилади. Канада инфратузилмасини ривожлантиришнинг 7 йиллик дастури ишлаб чиқилган (2007). Мазкур дастур доирасида 33,7 млрд. АҚШ долл. миқдорида пул ажратилган. 2009 йилда қўшимча равишда яна 4,1 млрд. АҚШ доллари (ЯИМнинг 2,9%) миқдоридаги маблағ инфратузилма соҳасини ривожлантиришга сарфлаш учун ажратилди [6].
Европа Иттифоқи	ЕИГА аъзо мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини таъминловчи транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича 2000-2013 йилларга мўлжалланган “Trans-European Transport Network” (TEN-T) дастури ишлаб чиқилган.
Хитой	Инфратузилмани ривожлантириш дастурлари асосида 2000 йилдан буён 3,3 трлн. АҚШ долл. миқдорида маблағ сарфланди. 2010 йилда 23 та муҳим инфратузилма дастурини амалга ошириш учун 105,2 млрд. АҚШ долл. миқдорида инвестиция киритилди [7].
Бразилия	Сўнги 3 йил мобайнида хусусий ва давлат маблағлари асосида шакллантирилган 240 млрд. АҚШ долл. миқдоридаги маблағни инвестиция қилди. Шунингдек, бу борадаги тадбирларни амалга ошириш учун келгуси 3 йил учун 340 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағни инвестиция қилиш учун ажратди [8].
Ҳиндистон	2012 йилга қадар инфратузилма дастурлари асосида 500 млрд. АҚШ долл. миқдорида инвестиция киритилиб, 2012-2018 йилгача бўлган даврдаги инфратузилма дастурлари учун 1 трлн. АҚШ долл. миқдорида инвестиция киритиш мўлжалланган [9].
Франция	Кейинги 20-30 йил ичида транспорт соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган умумий қиймати 219,9 млрд. АҚШ долл.ни ташкил этувчи янги миллий транспорт инфратузилмаси дастури қабул қилинган (2010 йил, август). Маблағнинг 95% дан кўпроқ қисми темир йўл, ҳаво транспорти ва автомобиль йўлларини ривожлантиришга йўналтирилган дастурларга ажратилган [10].
Испания	Инфратузилма ва транспорт соҳасини ривожлантиришнинг стратегик дастури ишлаб чиқилган (2005 йил). Инфратузилма дастурларини амалга

	ошириш учун 2005-2020 йиллар мобайнида 320,4 млрд. АҚШ долл. миқдоридаги инвестиция жалб қилинади. Унинг 140,99 млрд. АҚШ долл. (яъни 44%) Испания темир йўл соҳасини ривожлантиришга йўналтирилади [11].
Англия	Англиянинг “Миллий инфратузилма дастури” жорий этилди (2010 йил, октябрь). Дастур доирасида инфратузилмани ривожлантиришга 141 млрд. АҚШ долл. миқдоридаги хусусий ва давлат инвестициялари йўналтирилади. Шундан 46,7 млрд. долл. (ЯИМнинг тахминан 2%) кейинги 4 йил мобайнида транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилади [12].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда жаҳоннинг етакчи мамлакатларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришда муайян тенденциялар кўзга ташланмоқда. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг ўрта муддатли (5 йилгача) ва узоқ муддатли (15-20 йилгача) миллий дастур ёки режасининг ишлаб чиқилиши, ушбу режа ва дастурларни амалга ошириш учун йирик ҳажмдаги молиявий ажратмалар (фондлар)нинг шакллантирилиши, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг самарали амал қилишини таъминлаш мақсадида унинг турли объектлари аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда турли субъектлар бошқарувига берилиши (масалан, давлат, хусусий ва аралаш (давлат-хусусий), федерал, минтақавий, маҳаллий ва ҳ.к.) кабилар шулар жумласидандир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Хитой ташқи бозорлардаги талабнинг кескин қисқариши ҳамда бунинг натижасида экспорт ҳажмининг пасайиши, шунингдек, жиддий муаммога айланаётган оммавий ишсизликнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасини кенг ривожлантиришга асосий эътибор қаратди. Инқирознинг дастлабки босқичидаёқ ХХР ҳукумати ишлаб чиқариш инфратузилмасини янгилаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 586 млрд. долл. миқдорида маблағ ажратишни режалаштириб, бу мамлакат ЯИМнинг 18 фоизини ташкил этади. Шу ўринда таққослаш ўринлики, АҚШ молия бозоридаги инқирозни жиловлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Полсон режаси” ЯИМнинг 6 фоизини ташкил этган эди. Экспертларнинг фикрига кўра, Хитой ҳозирда давлат сарфлари ва арзон кредитлар орқали айнан инфратузилма объектларига инвестицияларни янада жонлантириш орқали иқтисодий ўсиш суръатлари пасайишининг олдини олишга ҳаракат қилмоқда [13].

Айни пайтда, жаҳондаги мураккаб молиявий инқироз шароитида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш имконини берувчи инфратузилма мажмуасини мунтазам равишда ривожлантириб ва такомиллаштириб бориш жуда катта молиявий маблағларни тақозо этади. Шунга кўра, фикримизча, ҳозирда ишлаб чиқариш инфратузилмасини молиялаштиришнинг қуйидаги йўналишларига катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- давлат бюджети харажатларини реструктуризациялаш ва оптималлаштириш ҳисобига тежалган маблағларни инфратузилма соҳасини ривожлантиришга йўналтириш;

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини қуришга йўналтирилган лойиҳаларга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб этиш;

- хусусий сектор маблағларини кенг миқёсида инфратузилма соҳасига инвестиция қилишга жалб қилиш ва ҳ.к.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, дунёнинг етакчи мамлакатлари иқтисодиётида ишлаб чиқариш инфратузилмаси тараққиётига алоҳида эътибор қаратилиб, давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга узоқ муддатли дастурий ёндошув алоҳида аҳамият касб этиб, айти пайтда бундан иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, иқтисодий ўсиш суръатларини рағбатлантириш, ишчи кучи бандлигини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш каби масалаларни самарали ҳал этишда кенг фойдаланилмоқда. Бу борадаги илмий тадқиқотлар асосида куйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1) жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхлит тизим сифатида ривожлантиришнинг турли (қиска, ўрта ва узоқ) муддатларга мўлжалланган режа (дастур)ларини ишлаб чиқиш жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқ;

2) ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятини молиялаштириш ва бошқаришда уларнинг аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда хусусий сектор имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим;

3) иқтисодиётдаги циклик тебранишлар салбий оқибатларининг олдини олиш ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасини ривожлантиришдан муҳим дастак сифатида фойдаланиш;

4) ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш инфратузилмасини молиялаштиришда давлат бюджети, хусусий сектор ва хорижий маблағларнинг аралаш шаклларида кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

2. [http://www.foundation.org.uk/events/pdf/20091111\\_collins.pdf](http://www.foundation.org.uk/events/pdf/20091111_collins.pdf)

3. <http://www.nationsencyclopedia.com/economies/Europe/United-Kingdom-INFRASTRUCTURE-POWER-AND-COMMUNICATIONS.html>

4. [www.bafuture.org/sites/default/files/Report\\_0.pdf](http://www.bafuture.org/sites/default/files/Report_0.pdf)

5. Australian Government, Department of Infrastructure and Transport, 2010.

6. Infrastructure Canada; Transport Canada, 2010, [www.bafuture.org/sites/default/files/Report\\_0.pdf](http://www.bafuture.org/sites/default/files/Report_0.pdf)

7. Marc Chandler, “China Ramps Up Infrastructure Spending”, The Street.com, July 6, 2010.

8. Senator John Kerry, Testimony before the Banking, Housing, and Urban Affairs Committee, U.S. Congress, Sept. 21, 2010.
9. Vikas Bajaj, “A High-Tech Titan Plagued by Potholes”, The New York Times, Aug. 25, 2010.
10. Yonah Freemark, “Putting the American Commitment to High-Speed Rail in Context,” The Transport Politic.com, July 28, 2010.
11. Congressional Research Service, “High Speed Rail (HSR) in the United States,” 2009.
12. BBC, “Cameron Announces. 30 bn National Infrastructure Plan”, Oct. 25, 2010.
13. <http://expert.ru/expert/2013/02/poterya-kapitala/>.